

## ДИСФЕМИЗМНИНГ СОЦИОПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ХУСУСИДА

Жўраева Нилуфар Шухрат қизи

Бухоро давлат университети ўқитувчиси

[juraeva-nilufar@mail.ru](mailto:juraeva-nilufar@mail.ru)

+998902991012

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7553257>

**Аннотация.** Мазкур мақолада дисфемизм тушунчаси, тилшунос олимларнинг бу тушунча хусусидаги фикр-мулоҳазалари, унинг социопрагматик хусусиятлари ҳақида сўз боради. Шунингдек, дисфемия ҳодисаси, унинг характерли хусусияти, дисфемия дискурсив ҳодисаси, дисфемизм эса ҳам тил, ҳам нутқ ҳодисаси эканлиги ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** дисфемизм, эвфемизм, дисфемия, эвфемия, дисфемизация, социологик ёндашув, психологик ёндашув, прагматик ёндашув, лингвистик ёндашув.

**Кириш.** Социолог ва тилшуносларнинг тадқиқотларига қараганда XXI аср бошлари вербал мулоқотда салбий маънонинг кучайганлиги билан характерланади [Кваскова, 2016: 352]. Бугунги кунда ўзида салбий маънони ифодаловчи сўзларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Бу эса тилшуносликда «дисфемизм» деб аталадиган тушунчанинг моҳияти, пайдо бўлиш сабабларини ўрганишга эҳтиёж туғдиради. Нутқ қўполлашувининг бир неча сабаблари мавжуд. Социолог ва социолингвистларнинг қайд қилишича, «ҳаётнинг турли соҳаларида ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги табақаланишнинг чуқурлашиши, манфаатлар тўқнашуви, бир гуруҳнинг бошқа гуруҳ устида ҳукмронлик қилиш истагининг мавжудлиги» нутқнинг қўполлашишига олиб келди [Кваскова, 2016: 353].

Бундан ташқари нутқнинг салбий маъно тус олишига ижтимоий-маданий, психолингвистик факторлар ҳам мавжуд. Масалан, сўзлашув жараёнида нутқ замонавийлашувига интилиш, шунингдек, тил ички омилларига кирувчи сўзловчининг нейтрал сўзлардан кўра ўзида экспрессив-ифодали маънони билдирувчи сўзларни афзал кўриши ва уни ўз нутқида қўллаши кабилар [Азнабаева, 2009: 487].

Дисфемия ҳодисаси худди эвфемиядек чуқур таҳлил қилинмаган. Бунинг сабаби эса дисфемизм жамиятнинг ахлоқий қоидалари билан таъқиқланган баъзи тил унсурларини ўзида мужассам этиши билан изоҳланади. Кўпинча дисфемизм эвфемизм тушунчаси билан тўқнашади ва эвфемизм билан аниқланади [Киселева, 2015: 240].

Л.Л. Нелюбин дисфемизмга қуйидагича таъриф беради: *биринчидан*, дисфемизмлар бу – тингловчи (ўқувчи) ёки аудиторияга таъсири ҳайратланарли, ҳақоратли, баъзи ҳолларда инсон қадр-қимматини камситувчи иборалар. *Иккинчидан*, дисфемизм бу – мавжуд табиий тилнинг экспрессив ижтимоий белгиланган луғат қатлами [Нелюбин, 2003: 48].

Олим Е.В. Шишова, дисфемизмларнинг таърифига социологик ёндашиб шундай ёзади: «Дисфемизмларнинг қўлланилиши турли ижтимоий табақалар нутқининг ўзига хослиги билан боғлиқ» [Шишова, 2014: 76]. Яъни дисфемизмлар ижтимоий жиҳатдан фарқланишини таъкидлайди.

**Асосий қисм.** Дисфемияни ўрганишнинг энг муҳим жиҳатлари сифатида *социологик, психологик, прагматик ҳамда лингвистик* жиҳатлар кўрсатилади.

**Социологик ёндашув** дисфемизмларнинг пайдо бўлишида ижтимоий ва ахлоқий омилларни ўрганишни ўз ичига олади. Социологик нуқтаи назардан, фақат маълум бир вазият контекстида баҳоланиши мумкин бўлган барча воқеа-ҳодисалар дисфемияни ўрганишга сабаб бўлади [Резанова, 2008:13].

Дисфемизмларни ўрганишда **психологик ёндашувда** уни келтириб чиқарувчи сабаблар муҳим ўрин тутаяди. Ҳозирги вақтда инсоннинг психологик ҳолати олдингига қараганда анча эркин бўлиб, бу эса ўз навбатида, замонавий шахснинг белгиланган қонун-қоидалар, чекловлар ва ахлоқий меъёрларига қарши чиқишига сабаб бўлади. Дисфемия бу – ҳар бир шахс ҳиссиётининг акс этиши ва унинг моддийлашуви [Резанова, 2008:13].

Олима Т.С. Бушуева дисфемизмларга шундай таъриф беради: «Дисфемизмлар – сўз парафразалар, яъни иккиламчи номинация бирликлари, уларнинг денотатлари, интенсив ёки антропоцентрик объектларга тегишли, бошқача айтганда, номлаш (жараён сифатида) сўзловчининг субъектив нуқтаи назарини акс эттиради» [Бушуева, 2005: 6].

Тилшунос олима А.Н. Резанова илмий изланишларида дисфемияга «сўзлашувда тажовузкорликнинг намоён бўлиши деб таъриф беради. Бунда олима аксарият дисфемик кўринишларга хос бўлган бир қатор сабабларни келтиради [Резанова, 2008:13].

Бунда биринчи сабаб нутқда дисфемизмларнинг қўлланилишида сўзловчининг тингловчига қасддан нутқий зарар етказишни исташи бўлса, иккинчи сабаб тингловчининг ўзига нисбатан билдирилган маълум фикрга (гина, ғазаб, тажанглик) қарши салбий эмоционал реакция кўрсатиши, шунингдек, таъна, норозилик, зиддият кўринишидаги жавоб баёноти

бўлиши мумкин. Келишмовчилик ёки баёнот шакллари, тингловчининг табиати ҳам дисфемияни ўрганишга сабаб бўла олади.

Тадқиқотнинг **прагматик жиҳати** дисфемизмларнинг функционал мақсадини очиб беради. Тилшунос олим Е.Ф. Бех эвфемизмларнинг функциялари асосида дисфемизмларнинг вазифасини кўриб чиқади. Олимнинг фикрича, дисфемизмларнинг асосий вазифаси «бирор бир нохуш нарса ёки унинг таъсирини ошкор қилиш, оммага кўрсатиш» дан иборат [Бех, 2017: 5].

**Лингвистик ёндашувнинг** мақсади дисфемизмларнинг структуравий хусусиятларини ва уларнинг лингвистик моҳиятини ёндош ҳодисалар орқали ўрганишга иборат.

**Хулоса.** Олима Л.В. Кваскованинг фикрича, «оғзаки нутқда салбий кўринишдаги сўзларнинг келиб чиқишига қарши курашиш учун уларнинг лингвистик ва функционал табиатини батафсил ўрганиш керак» [Кваскова, 2016: 353]. Шунинг таъкидлаш жоизки, «дисфемия прагматикаси» – келиб чиқиш сабаблари, ижтимоий-тарихий ва психологик тарқалишини ўрганмай туриб нутқда салбий сўзларни бартараф этиб бўлмайди.

Шундай қилиб, дисфемизмнинг асосий вазифаси бирор ёқимсиз нарса ёки ҳодисага эътиборни қаратишдан иборат бўлиб, дисфемия – стилистик жиҳатдан салбий бўёқдор ёки нейтрал сўзларни суҳбатдошни атайлаб камситиш, уни обрўсизлантириш ёхуд бирор аниқ вазиятда норозилик, менсимаслик, нафратланиш каби муносабатларни ифодалаш мақсадида ишлатилади.

### References:

1. Кваскова 2016 – Кваскова Л.В. Дисфемизация речи как коммуникативная тактика в дискурсе // Преподаватель XXI век. 2016. № 2. – С. 352–357.
2. Азнабаева А. Р. Эвфемизация и дисфемизация лексики русского языка в постперестроечный период // Вестник Башкирского университета. – 2009. – Т. 14. – №. 2. – С. 487.
3. Киселева 2015 – Киселева С.А. Функционирование эвфемизмов в современном английском военно-политическом дискурсе: структурно-семантический и прагматический аспекты: дис. ... канд. филол.наук. М., 2015. – С. 240.
4. Нелюбин Л. Л. Толковый переводоведческий словарь / Л. Л. Нелюбин. – М. : Флинта: Наука, 2003. – 48с.
5. Шишова Е. В. Определение термина дисфемизм в лингвистических терминологических словарях, справочниках и энциклопедиях // Филология и культура. – 2014. – №. 2 (36). – С. 76.

6. Резанова А. Н. Понятие о речевой норме и стандартах в контексте проблемы дисфемии в речи // Известия Российского государственного педагогического университета им. А. И. Герцена. – 2008. – №. 51. – С. 13.
7. Бушуева Т. С. Прагматический аспект эвфемизмов и дисфемизмов в современном английском языке: автореф. дис. ... канд. филол. наук : 10.02.04 / Т. С. Бушуева. – Смоленск, 2005. – С. 6.
8. Бех Е. Ф. Особенности функционирования дисфемизмов на основе их отношения с эвфемизмами в англоязычной литературе // Научный результат. Серия «Вопросы теоретической и прикладной лингвистики». – 2017. – №. 2 (12). – С. 5.
9. Shukhratovna J. N. UDC: 81.373. 49 316.754. 6 The main areas (spheres) of euphemisms and taboos in french linguistics //scientific reports of bukhara state university. – с. 134.
10. Жўраева Н. Zamonaviy fransuz tilshunosligida evfemizm va tabu hodisalari to 'g'risidagi nazariy qarashlar //центр научных публикаций (buxdu. Uz). – 2021. – т. 8. – №. 8.
11. Жўраева Н. Evfemizm, yohud yumshoq muomala fransuz ayollari talqinida //центр научных публикаций (buxdu. Uz). – 2020. – т. 6. – №. 2.
12. Jo'rayeva N. S. Evfemizmlarning lingvomadaniy xususiyatlari //экономика и социум. – 2021. – №. 1-1. – с. 107-110.
13. Жўраева Н. Types des niveaux du langage dans les pays francophones //центр научных публикаций (buxdu. Uz). – 2021. – т. 8. – №. 8.
14. Жўраева Н. Les particularités de l'enseignement des langues étrangères //центр научных публикаций (buxdu. Uz). – 2021. – т. 8. – №. 8.
15. Жўраева Н. Evfemizmlarning gender xususiyatlari xususida //центр научных публикаций (buxdu. Uz). – 2021. – т. 8. – №. 8.
16. Жўраева Н. Chet tilini o'qitishda zamonaviy yondashuvlar //центр научных публикаций (buxdu. Uz). – 2021. – т. 8. – №. 8.
17. Жўраева Н. Особенности эвфемизма во французском языке //центр научных публикаций (buxdu. Uz). – 2021. – т. 8. – №. 8.
18. Жўраева Н. Кўп тилли параллел корпуслар хусусида //центр научных публикаций (buxdu. Uz). – 2021. – т. 8. – №. 8.
19. Жўраева н. Туркий тилларда морфологик анализатор: тадқиқот ва тажрибалар //центр научных публикаций (buxdu. Uz). – 2021. – т. 8. – №. 8.
20. Жўраева Н. Evfemizmlarning lingvomadaniy xususiyatlari //центр научных публикаций (buxdu. Uz). – 2021. – т. 8. – №. 8.
21. Жўраева Н. Evfemizm lingvokulturologik fenomen sifatida //центр научных публикаций (buxdu. Uz). – 2021. – т. 8. – №. 8.